ФИРИБГАРЛАР ОИЛАСИ

– ...Қувайтда иш бошлайдиган бўлсангиз, ойига 1200 доллардан маош оласиз. Жой, еб-ичиш, хаммаси иш берувчи ташкилот бўйнида. Иш хам оғирмас, юк машинасида базага юк ташийсиз.

2 бет

САНДИҚДАГИ ҲУЖЖАТ

Хоҳлаймизми, йўқми хамма хам кексаяди. Ўша кунларда нафақасиз, давлат таъминотисиз қолиш аянчли. Шундай экан, келажакка бугундан пойдевор қўйишни унутмайлик.

4 бет

ИШОНЧ ОРТМОҚДА

«Turu-uuringute AS» фирмаси томонидан ўтказилган сўровномага караганда, эстонияликларнинг 80 фоизи ўз полициячиларига ишонар эканлар.

11 бет

СЎНГГИ САЙР

2007 йилнинг куз ойларида Москва шаҳар судида катта шов-шувларга сабаб бўлган жиноят иши кўриб чиқилган эди. Суд хукми билан 32 ёшли Александр Пичушкин 48 кишининг қотили деб топилди...

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Huquq

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 10-yanvar, № 02 (575)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

Эътибор

Тарбияланувчилар миннатдор

Келажак авлодни муносиб тарбиялаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан саналади. Бу борада Президентимиз томонидан ўртага ташланган «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» шиори дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Шу йўналишда таълим тизими чуқур ислоҳ қилинди. Болалар спортига эътибор кучайтирилди. Болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоратадбирлари қамрови кенгайди. Айниқса, мамлакатимиздаги мавжуд меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари учун муносиб шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга янги йил байрами арафасида Бўка тумани прокуратураси ташаббуси билан тумандаги «Меҳрибонлик уйи»да ўтказилган тадбир ҳам яққол мисол бўла олади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Инамова ҳамда «Росзарубежцентр»нинг Ўзбекистондаги вакили ўринбосари Д.Саъдуллаевлар иштирок этдилар. Меҳмонлар тарбияланувчиларни янги йил билан қизғин табриклаб, уларнинг ҳар бирига китоблар ва Президентимизнинг махсус совғаларини топширишди. Шунингдек, туман прокуратураси ташаббуси билан тарбияланувчиларнинг ҳар бирига банкда ҳисоб рақами очилиб, 100 минг сўмдан маблағ қўйилган омонат дафтарчалари топширилди. Шундан кейин тадбир тарбияланувчилар томонидан тайёрланган куй-қўшиқларга уланиб кетди. Зулфия номидаги Давлат мукофотининг вилоят конкурси совриндори Гулмира Ўралова тарбияланувчилар номидан сўзга чиқиб, ҳукуматимиз томонидан тарбияланувчиларга кўрсатилаётган юксак эътибор учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Умид АБДУГАФАРОВ,
Бўка туман прокурорининг ўринбосари

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Шухрат УЗАКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МЕТИН ҚАЛҚОНИ

Мустақиллигимиз эълон қилинган кун – 1991 йилнинг 31 августида «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниб, бу муҳим ҳужжат ёш республикамизга ҳарбий сиёсатни амалга ошириш ҳуқуқини берди, яъни ўз Қуролли Кучларимизни тузишимиз учун ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Бу борадаги эзгу саъй-ҳаракатларга давлатимиз раҳбарининг 1991 йил 6 сентябрдаги Мудофаа ишлари вазирлигини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони билан пойдевор қўйилди. Кейинчалик Президентимиз Фармонига мувофиқ Мудофаа ишлари вазирлиги Мудофаа вазирлигига айлантирилди.

Хўш, ташкил этилган вазирликнинг олдида қандай устувор вазифалар бор эди? Аввало, вазирлик зиммасига ҳарбий сафарбарлик тадбирларини уюшқоқлик билан ташкил этиш, Миллий гвардияни тузиш ва шахсий таркибга таълим бериш, фуқаролар мудофаасини амалга ошириш, олий ҳарбий билим юртларини бутлаш, олий ўқув юртларида ҳарбий кафедралар тайёргарлигига эътибор қаратиш масаласи юкланди. Қоларверса, қўшинларни жойлаштириш, ҳарбий машқлар ўтказишни мувофиқлаштириш, қўшин ва ҳарбий иншоотларни янги жойга кўчириб жойлаштириш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳарбийларни, умуман, ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялащдек вазифалар ҳам бор эдики, уларни бир лаҳза ҳам кечиктириб бўлмасди. Шу зайлда миллий армиямизни шакллантириш борасида босқичма-босқич қадам қўйила бошланди.

1992 йилнинг 14 январида Республика Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида»ги қарори тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди. Бунга кўра, мамлакатимиз ҳудудидаги ҳарбий тузилмалар республика тасарруфига олинди. 1993 йилнинг 23 декабрида Олий Кенгашнинг навбатдаги қарори ва 1993 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан 14 январь юртимизда «Ватан ҳимоячилари куни» деб эълон қилинди. Шу тариқа Ватан ҳимоячилари куни озод ва эркин халқимизнинг янги, муқаддас бир байрами сифатида нишонланиб, йилдан-йилга одамларимизнинг кўнглидан чуқур жой олди.

Миллий армиямиз шаклланишининг ўзига хос ҳуқуқий пойдевори борлигини яхши биламиз. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Кенгашнинг 1992 йил 3 июлда қабулқилинган «Мудофаа тўғрисида»ги (Олий Мажлиснинг 2001 йил 11 майдаги иккинчи чақириқ бешинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди), «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги (Олий Мажлиснинг 2002 йил 10 декабрдаги иккинчи чақириқ ўнинчи сессиясида янги таҳрирда қабул қилинди), «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар, ҳарбий қасамёд матни, Умумҳарбий низомлар билан Қуролли Кучларимиз ҳуқуқий базаси яратилди.

1995 йил август ойида Олий Мажлиснинг учинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий доктринаси (кейинчалик Мудофаа доктринаси деб қайта номланди) мамлакатнинг ҳарбий соҳадаги сиёсатини белгилаб берди.

(Давоми 3-бетда).

Қадрият

КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР, ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Ўтиб бораётган йилда кўплаб эсда қоларли воқеаларнинг шоҳиди бўлдик. Шаҳримизнинг икки минг йиллик юбилейини нишонладик. Ушбу санани нишонлашга тайёргарлик жараёнида меъморий ёдгорликлар таъмирланибгина қолмай, бир қатор янги, замонавий савдо, ишлаб чиқариш корхоналари, билим даргоҳлари, спорт саройи, аквопарк барпо этилди. Шоҳ кўчалардаги эски бинолар қайта қурилиб, кўҳна шаҳримиз ёшарди, янада файзли-тароватли бўлиб қолди. Касаначиликни ривожлантиришга оид ҳукумат қарори азал-азалдан ҳунармандчилик билан кенг шуғулланган марғилонликлар учун айни муддао бўлди. Шу тариқа ишсизлик муаммосини ҳал этишда салмоқли қадам қўйилди. Банклар ҳавола этган микрокредитлар эвазига ҳунармандлар хонадонларида дастгоҳлар ўрнатиб, етакчи корхоналарнинг турли буюртмаларини адо этишяпти.

Халқимизга хос меҳр-оқибат ижтимоий ҳимоя йили дастурларини рўёбга чиқариш жараёнида янада яққол кўзга ташланди. Бюджет маблағларидан ташқари тадбиркорлар, саховатпешалар ҳавола этган сармоялар ўрни-ўрнида сарфланиб, камхарж оилаларнинг турмуш шароитлари бир мунча яхшиланди.

Шаҳримизда умргузаронлик қилаётган салкам йигирма икки минг нафар пенсионерларнинг нафақаларини ўз вақтида, узлуксиз тўлаб бориш чоралари кўрилди. Ушбу жараёнда шаҳар ижтимоий таъминот бўлимининг бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси нафақа маблағларини ўз вақтида молиялаштириб бермагани юзага чиқди.

(Давоми 2-бетда).

2008 йил — Ёшлар йили

Ишончни албатта оқлаймиз

Ҳозирги глобаллашув асрида давлатнинг ривожланиш даражаси биринчи навбатда шу мамлакатдаги ижтимоий сиёсатнинг қанчалик кенг қамровлилиги билан белгиланади. Ўзбекистонда ушбу мақсадлар учун бюджет маблағларининг 54,6 фоизи ажратилганлиги, ҳамда 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши мамлакатимиз салоҳиятидан далолатдир.

«Ёшлар йили»дан кўзда тутилган дастурларни бажариш мақсадида давлат ва кенг жамоатчилик олдига бир қанча вазифалар қўйилган. Жумладан, ёшларни замонавий касбларга йўналтириш, иш билан таъминлаш, улар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби вазифаларга умумдавлат миқёсида катта эътибор берилаяпти. Айниқса ёшларни иқтисодчи, менежер, дизайнер каби касбларга йўналтиришни давр-нинг ўзи талаб қилмоқда.



Албатта, барпо этилаётган ҳуқуқий давлатда ҳуқуқшунос касбининг ўрни ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетида ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлашга жиддий эътибор берилади. Талабалар юридик адабиётлар, газета ва журналлар, компьютер ва информацион технологиялар билан таъминланган шароитда таҳсил олмоқдалар. Шунингдек, замонавий спорт мажмуалари талабалар хизматида.

Биз талабалар яратилган шароитлардан, давлатимизнинг эътиборидан миннатдормиз ва билдирилаётган ишончни албатта оқлаймиз. Бинобарин, давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга ҳисса қўша оладиган муносиб қадр бўлиб етишиш бизнинг энг эзгу орзуимиздир.

Элбек ИСРОИЛОВ,
Даврон МУҲИТДИНОВ,
Ўзбекистон Миллий университети талабалари

КЕКСАЛАРГА ЭЪТИБОР, ЁШЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Оқибатда «Миллий банк» Марғилон бўлими нафақа пуллари тўловини кечиктирган.

Бундан ташқари Педагогика коллежи маъмурияти ҳисоб-китобларни ўз вақтида тақдим этган бўлса-да, пенсия жамғармасининг ходимлари суғурта бадаллари, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари, чақалоққа суюнчи пуллари ва пенсия учун маблағларни молиялаштиришни асоссиз ортга суришган.

Шунингдек, тиббиёт коллежи август ойи учун суғурта бадалларига ҳисоблаб топширган 3 млн. 128 минг сўмлик буюртма орадан икки ой ўтибгина молиялаштирилган. Прокурорлик таъсир чоралари қўлланилганидан сўнг бу иш маромига тушди.

Иккинчи жаҳон уруши фахрийлари, бирон бир дардга чалинган, меҳнат ва касб-кор бўйича ногиронлик нафақасига чиққан ҳамда вояга етмаган ногиронлар ҳавола этилган имтиёзлардан қандай фойдаланишаётгани ўрганилганида бир қатор қонунбузилиш ҳолатлари кўзга ташланди. Прокуратура кўрган чора-тадбирлар натижасида эътибордан четда қолган ногиронларнинг 6 нафарига аравачалар, 19 нафарига протез-ортопедия мосламалари етказиб берилди.

Жамиятимизнинг инсонпарварлиги ҳукумат қарори билан ёлғиз пенсионерларга ижтимоий таъминот бўлими ходимлари бириктириб қўйилгани, коммунал тўловлар борасида имтиёзлар ҳавола этилганида ҳам намоён бўлади. Лекин, шаҳар ижтимоий таъминот бўлими ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли Янги Фарғона кўчасидаги уйлардан бирида яшовчи кекса онахон З.Жалиловага олти ой мобайнида жами 35 минг 100 сўм миқдорида коммунал тўловларга компенсациялар ҳавола этилмаган. Яна бир қатор қариялар ушбу имтиёздан фойдалана олишмаган.

Шунингдек, пенсия ёшини ҳисоблашдаги хатолар туфайли нафақа кам тайинланиши, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, ногиронларга соғлиқларини тиклаш борасидаги имтиёзларнинг ҳавола қилиниши жараёнида йўл қўйилган айрим қонунбузилиш ҳолатлари ўз вақтида бартараф этилди.

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби, икки минг йиллик тарихга эга шаҳримизда ўзига хос маданият, лутфикалом, кексаларга иззат-икром, ёшларга эътибор авлоддан-авлодга ўтиб келяпти. Ёш оилалар оёққа туриб олишлари учун имтиёзли кредитлар берилмоқда. Хонадонларда, мактаб, коллеж ва институтларда ёшлар халқимизга хос меҳр-оқибат, юрт корига камарбаста руҳда тарбияланишяпти. Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили» дея эълон қилди. Бу мамлакатимизда ўтказилаётган ёш авлодни баркамол тарбиялаш борасидаги изчил сиёсатнинг узвий давомидир. Юқорида таъкидлаганимиздек, шаҳримизнинг икки минг йиллигини нишонлашга тайёргарлик жараёнида бошқа бунёдкорлик ишлари билан бирга мактаб ва коллежлар, спорт заллари таъмирланди, янгилари қурилди, замонавий ўқув анжомлари билан тўкис жиҳозланди. Педагог ва тарбиячилар марида ўзлари ҳуш кўрган фойдали машғулотлар билан банд этиш тадбирларини белгилаш ва изчил татбиқ этиш зарур. Барча тадбирлар ўсмирлар психологияси, қизиқиш доиралари, интилишлари эътиборга олинган ҳолда тайёрланиб, мунтазам равишда ўтказиб борилсагина, кўзланган натижани беради.

Маҳмуджон ҚАЮМОВ,
Марғилон шаҳар прокурори

Электр энергияси беҳисоб эмас

Электр энергиясининг мамлакат иқтисодиётида, халқ хўжалигида тутган стратегик аҳамияти нечоғли муҳим эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Таъбир жоиз бўлса, бугунги кунга келиб энергоресурслар ҳар қандай мамлакатнинг салоҳияти ва истиқболини белгилаб берувчи манбага айланди. Шу боис дунё мамлакатлари янги энергоресурсларни топиш, мавжудларидан тежамкорлик билан фойдаланиш чораларини излаб топишмоқда.

Мамлакатимизда энергия танқислиги сезилмайди. Аммо бу дегани ундан хоҳлаганча фойдаланиш, исроф қилиш мумкин дегани эмас. Шу маънода, Навоий вилоят прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Президентининг «Коммунал хизматлар таърифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси доимий назоратга олинган. Ўтказилган назорат тадбирлари давомида коммунал тўловлардан, хусусан, электр энергиясидан мавжуд бўлган қарздорликни камайтириш ва ундириш борасида йўл қўйилган қонунбузарликларнинг олдини олиш таъсир чоралари кўриб келинмоқда.

Мисол учун, Зарафшон шаҳар прокуратураси томонидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида «Янги Зарафшон» уй-жой коммунал бўлими мансабдор шахслари томонидан 2007 йилнинг биринчи ярмида аҳолидан электр энергияси учун йиғилган 23 млн. 668,3 минг сўмнинг 15 млн. 653,9 минг сўми банкка кирим қилинмасдан ўзлаштириб юборилгани аниқланган. Шунингдек, Қизилтепа туман прокуратураси томонидан худди шу йўналишдаги назорат тадбирлари давомида туман электр тармоқлари корхонаси ходимлари ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолидан истеъмол қилинган электр энергияси учун йиғилмай бўйича режани бажармай келишаётгани аниқланган.

Бу каби қонунбузилиш ҳолатларига Нурота туман электр тармоқлари корхонасида ҳам йўл қўйилган. Кармана туман прокуратураси ўтказган тадбирлар давомида туман электр тармоқлари корхонаси томонидан 74 та хўжалик юритувчи субъектлардан 330,6 млн. сўм муддати ўтган дебитор қарздорликка йўл қўйилгани аниқланган. Туман прокуратурасининг аралашуви билан тумандаги электр энергиясидан қарзини тўламай келаётган истеъмолчилардан 16 млн. сўм ихтиёрий ундирилган. Навбаҳор туман прокуратураси томонидан эса 6 та улгуржи истеъмолчилардан 5 млн. 432 минг сўм ихтиёрий ундирилиши таъминланган.

Текширишлар давомида айрим фуқаролар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан электр энергиясидан ўзбошимчалик билан шуғулланиш ҳолатлари ҳам аниқланган. Жумладан, Хатирчи туманида яшовчи фуқаро Э.Эшназаров ўз хонадонига тош майдалаш учун тегирмон ўрнатиб, уни электр тармоғига ноқонуний равишда улаб олган. Унинг ўзбошимчалиги натижасида туман электр тармоғи корхонасига 472 минг сўм зарар етказилган.

Юқоридаги ҳолатлар бўйича тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилиб, етказилган зарарлар ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Умид РАЖАБОВ,
Навоий вилоят прокуратураси бўлим прокурори

ФИРИБГАРЛАР ОИЛАСИ

Оила муқаддас даргоҳ. Айниқса, биз ўзбекларда оила шаъни, қадр-қиммати улуғланади. Бу анъана минг йиллардан буён сақланиб, сайқал топиб, миллий менталитетнинг бир кўринишига айланган. Аммо ана шу тушунчани ўз билганича талқин қилувчилар ҳам учраб турган. Оқибатда бир бутун оила жиноий гуруҳга айланган ҳолатлар ҳам бўлган. Биз тафсилотларни баён қилаётган жиноятларни содир этганлар ҳам бир оила аъзоларидир.

Ҳамшаҳримиз Акрам Рустамов (исм-фамилиялар ўзгартиб берилмоқда) бир муддат Қувайт давлатида ишлаб келгач, пул топишнинг осон йўллари ҳақида оила аъзоларига тўлиб-тошиб гапириб беради. Бу гаплар шунчаки йўлига айтилмагани боис, улар бу мавзуда узоқ суҳбатлашдилар. Суҳбат асносида жиноий фаолият режаси ҳам ишлаб чиқилди. Унга кўра, чет элда ишлаш ниятида юрганларни алдаб, фирибгарлик йўли билан уларнинг пулларини ўзлаштиришга келишиб оладилар.

Шу тариқа Акрам отаси, онаси ва тоғаси кўмагида жиноий фаолиятини бошлайди. Аввалига улар таниш-билишлари орқали хоҳловчиларни Қувайт давлатида ишлашга жўнатишлари ҳақида гап-сўз тарқатишади. Шундан кейин содда одамлар ўз оёқлари билан фирибгарлар остонасига кела бошлашади.

Уларнинг биринчи «ўлжа»си Абдулатиф Хўжаев бўлди. Уни Акрам Рустамовнинг отаси очиқ чеҳра билан қутиб олиб, мулозамат кўрсатар экан:

— Ишингиз ўнгидан келиб Қувайтда иш бошлайдиган бўлсангиз, иншоолоҳ, ойига 1200 доллардан маош оласиз, — дейди талаффузига арабча тус бериб. Гўёки, Қувайтда ўғли эмас ўзи ишлаб келгандай.

— Жой масаласи...— А.Хўжаевнинг гапи чала қолди.

— Жой, еб-ичиш, ҳаммаси иш берувчи ташкилот бўйнида. Иш ҳам оғирмас. Қиладиган ишингиз юк машинасида базага юк ташийсиз. Таклифимиз маъқул келган бўлса, ҳужжатларингизни тўғрилайверинг. Сизни Қувайт аэропортида ўғлим кутиб олади.

Шу тариқа А.Хўжаев тузоққа тушади ва ўз қўли билан фирибгарларга 1400 долларни қуртдай санаб беради.

Аммо уни Ал-Қувайт аэропортида Акрам Рустамов кутиб олмайди. Умуман, А.Хўжаев ҳеч қаерга бормайди.

Шундан кейин фирибгарлар оиласи бу «иш»га жиддий киришади. Энди уларга Акрам Рустамовнинг онаси ва тоғаси ҳам шерик бўлади. Оилавий фирибгарлар тузоғига тушган фуқаролардан И.Ниғмонов 3000 АҚШ доллари, Ш.Эргашев 1500 АҚШ доллари, А.Хўжаев 3000 АҚШ долларидан ажраладилар. Улар ҳали яна кўпларни чув туширириши мумкин эди, аммо ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан бунга чек қўйилди.

Тергов жараёнида ўтказилган тинтув давомида фирибгарлар хонадонидан «Қувайт давлатида ишлаш учун» кетадиганлар рўйхати топилган бўлиб, унда яна 34 нафар юртдошимиз алдовга учгани маълум бўлди.

Суд жиноятчиларга қилмишларига яраша жазо белгилади. Бу жазо меҳнатсиз даромад топиш дардида юрганларга сабоқ бўлса ажабмас.

Дилшод ПАРДАЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари

Имконият

Президентимиз тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан шу йил 30 ноябрда қабул қилинган амнистия инсонпарварлик тамойилига содиқликнинг яна бир намунаси бўлди.

Сирдарё вилояти прокуратураси томонидан ҳам амнистия тўғрисидаги қарорни ижро этишга оид тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра оғир хасталиги туфайли озодликка чиқарилган шахсларни тегишли муассасаларга жойлаштириш, уларга ёрдам кўрсатиш, ёлғиз, кексайиб қолган, қаровчиси йўқ собиқ маҳкумларни ногиронлар ва қариялар уйига жойлаштириш каби чора-тадбирлар кўзда тутилган. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларидан бўшаб вилоятдаги доимий яшаш жойларига қайтиб келган маҳкумларни рўйхатга олиш, уларни ишга жойлаштириш, ижтимоий кўникма марказлари орқали уларга моддий ёрдам бериш ҳам режалаштирилган. Мақсад, бундай шахсларни ёлғизлатиб қўймаслик, ҳаётда ўз ўрнини топиб олишларига, соғлом турмуш тарзига қайтишларига кўмаклашишдан иборат.

Қарор ижросини таъминлаш, уни тарғиб қилиш мақсадида Гулистон шаҳрида тегишли муассасалар вакиллари, маҳалла фаоллари иштирокида семинар ўтказилди.

Амнистия тўғрисидаги қарорга биноан Сирдарё вилояти ИИБ жазони ижро этиш муассасаларида жазо ўтаётган 23 нафар, 77-жазони ижро этиш манзил колониясидан 24 нафар, 76-манзил колониядан 35 нафар маҳкумлар жазодан озод этилди.

13-сонли тергов ҳибсхонасидан эса 4 нафар шахс озодликка чиқарилди. Уларнинг 3 нафари вояга етмаган шахслардир. Фуқаролар Ф.Бозоров 5 йилга, А.Сафаров 4 йилга, М.Холбоев 6 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Амнистия туфайли улар ота-оналари бағрига қайтди.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича вилоят, туман ва шаҳар судларидаги 83 нафар шахсга оид жиноят ишлари тугатилди.

Жумладан, сохта диплом билан мактаб ўқитувчиси сифатида ишлаб юрган М.Қосимова, А.Усмонова, Б.Ўсарова ва Х.Жумабоеваларга нисбатан жиноят ишлари бўйича Гулистон туман судида кўрилаётган иш ҳам тугатилди.

Амнистия тўғрисидаги қарорни ижро этиш жараёни давом этаяпти.

Шукрулло ТУРСУНОВ,
Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Қиш мавсуми қандай кечмоқда?

Андижон вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 майдаги «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007-2008 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан прокурорлик назорати ўрнатилган. Мазкур соҳадаги назорат тадбирларида тегишли ташкилотларнинг бу борадаги фаолияти мунтазам мувофиқлаштириб борилмоқда.

Ана шу мақсадда 2008 йилнинг 7 январь куни вилоят прокуратураси, ҳокимияти ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда «Водийгазтаъминот» Андижон унитар корхонасининг шаҳар, туман филиалларининг барча ходимлари иштирокида таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳоли хонадонларининг қиш мавсумига тайёргарлиги, уларга белгиланган миқдорда табиий газ етказиб берилиши аҳволига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда корхона мансабдор ва масъул шахслари томонидан истеъмол учун етказиб берилаётган табиий газни белгиланган тартибда тақсимлаш чоралари кўрилмаганлиги, аҳоли хонадонларини иситишга сарфланган газ ҳажмига кўшиб ёзиш орқали табиий газ ноқонуний равишда ҳисобдан чиқарилаётганлиги, юқори босимли газ тармоқларига истеъмолчиларнинг ноқонуний равишда уланиши оқибатида айрим аҳоли хонадонларига белгиланган меъёрда табиий газ етказиб берилмаётгани ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Муҳокамада қиш кунларида аҳолига, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларига белгиланган меъёрларда табиий газ етказиб бериш, шу билан бирга газ тармоқларига ноқонуний уланиб фойдаланиш ҳолатларини бартараф этиш борасида тегишли тавсиялар билдирилиб, бу борада мутасадди идоралар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Донийр МАМАЖОНОВ,
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ МЕТИН ҚАЛҚОНИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Келинг, шу ўринда Қуролли Кучларимиз, миллий армиямизнинг шакланиш тарихига қисқача назар ташлайлик. 16 йил давомида замонавий талаб ва андозаларга жавоб берадиган миллий армияни барпо этиш, демакки, мустақиллигимиз, ҳудудий яхлитлигимизни, демократик ва фуқаролик жамиятига асосланган тараққиётимизни таъминлашнинг ишончли кафолати бўлган Қуролли Кучларимизни шакллантириш борасида Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош қўмондони Ислом Каримов бошчилигида улкан ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, ижтимоий ҳаётимизда кечаётган ислоҳотлар негизида миллатимизга хос бунёдкорлик мужассам. Жумладан, ҳарбий ислоҳотлар негизида ҳам. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, ислоҳотларимиз замирида Қуролли Кучларимизнинг порлоқ келажаги кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбарининг Қуролли Кучларимизнинг 15 йиллик тўйида Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида бу ҳақда шундай дейди: «Ўз олдимизга қўйган бош мақсад — ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, стратегик ва тактик вазифаларни самарали ҳал эта оладиган, сарҳадларимиз дахлсизлиги, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни бузишга қаратилган ҳар қандай ёвуз ҳаракат ва хуружларни бартараф этиш ва уларга муносиб зарба беришга қодир бўлган кучли армияни яратишдан иборат эди».



Яхши биламиз, армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч — бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, ҳарбий соҳадаги ислоҳотлар аввало шу заминда туғилиб ўсган, вояга етган ватанпарвар инсонларга эътибор, ғамхўрликка қаратилди. Буни айниқса, кейинги пайтларда қабул қилинаётган муҳим Фармон, қарорларда ҳам кўриш мумкин. Эътибор бераётган бўлсангиз, уларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига касб деб билган ҳарбийларимизни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда.

Ислоҳотлар мазмун-моҳиятига назар ташлаб, улар аввал бошданоқ юксак жанговар қобилиятга эга Қуролли Кучларни шакллантиришга йўналтирилганини англаш мумкин. Янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, миллий армиямиз ҳар қандай вазиятда ҳам ҳаракат қилишга тайёр туриши, юртимизнинг жўғрофий-стратегик мавқеини ва ҳудудимизнинг жўғрофий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтимол тутилган босқинчини бартараф этишга, унга ерда ҳам, ҳавода ҳам муносиб зарба беришга шай бўлмоғи лозим эди. Табиийки, бу ўринда жанговар салоҳият, қобилиятга эътибор қаратилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жанговар қобилият, салоҳият кўп омилларни қамраб олади. Дейлик, унинг негизида шахсий таркибнинг миқдори ва сифати билан боғлиқ масала мужассам. Бу посбонларимизнинг профессионал даражаси, ахлоқий-руҳий сифатлари, жисмоний тайёргарлиги, мустаҳкам интизоми билан ўлчанади.

Хўш, ислоҳотлар давомида бу борада қандай ишлар амалга оширилди?

Бу ўринда, аввало кадрлар масаласи ўртага чиқиши турган гап. Ахир посбонларнинг профессионал даражасини шакллантирувчи, уларнинг жисмонан ва маънан ривожланишини таъмин этувчи кадрларни, миллий истиқлол ғоялари руҳида камол топган ҳарбийларни тайёрлаш зарур эди. Жиззахда ҳарбий учувчиларни тайёрловчи билим юрти, пойтахтда алоқачиларни тайёрловчи махсус факультет ташкил топгани, шунингдек, мавжуд олий ҳарбий ўқув масканларимизда хилма-хил қўшин турлари учун офицер кадрлар тайёрлаш тизими барпо қилингани бу муаммони ечишга қаратилди. Истиқлол меваси бўлган Қуролли Кучларимиз Академияси хусусида ҳам узундан-узоқ гапириш мумкин. Эътироф этиш керакки, соҳада давр билан қадамба-қадам ўқув тарбиявий жараёни шакллантирилиб, такомиллаштирилиб борилмоқда. Ҳарбий фаннинг энг сўнгги ютуқларидан, жанговар ҳаракатлар олиб боришнинг илғор тажрибаларидан она-юрт ҳимоячилари сабоқлар олишмоқда. Шунингдек, бир нарса маълумки, минтақамиз дунёга машҳур саркардалар билан донг таратган. Ахир Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Бобур сингари буюк аждодларимизни, саркардаларни ким билмайди дейсиз?! Уларнинг саркардалик қобилияти, ҳарбий санъатини ўрганиб, сабоқ олиб келмоқдамиз.

1999 йил Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотлар янги бир босқичга чиққан давр бўлди. Мамлакатимиз осойишталигини ишончли ва самарали ҳимоя қилишга қодир бўлган тезкор, яхши таъминланган Қуролли Кучларни шакллантиришни замон биздан талаб этди.

Қувонч билан таъкидлаш лозимки, қисқа даврича ичида Қуролли Кучларимизда улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Масалан, Қуролли Кучларимиз сифат жиҳатидан янги, анча такомиллаштирилган ташкилий-штат тузилишига ўтказилди, қўшинларни бошқариш муаммосини туб жиҳатдан ҳал қилувчи муҳим ҳарбий-маъмурий бирликлар — ҳарбий округлар тузилди. Шунингдек, барча қуролли тузилмаларимиз турлари ўзаро узвий алоқада ҳаракат қилишига эришилди, ҳарбий ўқув муассасаларида, қолаверса жанговар ва тезкор тайёргарликлар жараёнида кадрларни тайёрлаш сифати янада яхшиланди. Турли шарт-шароитларда қўшинларни бошқариш усуллари такомиллаштирилди.

Энг муҳим ўзгаришлардан яна бири шахсий таркиб билан тарбиявий ишларни юритишнинг ўзига хос жиҳатларига — уларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар руҳида камол топишига, ҳуқуқий маданият ва саводхонлигини оширишга улкан эътибор қаратилгани бўлди.

Ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз томонидан Қуролли Кучларда ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларга имтиёзлар бериш, уларга замонавий шарт-шароитларга эга бўлган хизмат жойларини яратиш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий муҳофаза қилиш юзасидан бир неча қарорлар қабул қилиниб, ижрога қаратилди. Бу эса ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган қизиқишларини, Қуролли Кучлар нуфузини оширди. Жумладан, Республика Президентининг 2007 йил 14 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини тураржой билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори бунга яққол мисол бўлади.

Қуролли Кучларда ўтказилган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда замонавий жанговар техникага ва юксак ҳарбий маҳоратга эга бўлган, асосий шартнома бўйича ҳарбий хизматчилардан ташкил топган профессионал армия ташкил этилишига эришилди, десак муболаға бўлмайди.

Қуролли Кучларда қонунийликни таъминлаш вазифаси ҳарбий прокуратура органлари зиммасига юклатилгани барчамизга маълум. Албатта, ўтган давр мобайнида Қуролли Кучларда ўтказилган ислоҳотлар билан бир қаторда, ҳарбий прокуратура органларини ҳам қайта ташкил этиш, уларнинг фаолиятини туб ислоҳ қилиш билан боғлиқ ишлар амалга оширилди.

Республика Президентининг 1999 йил 30 мартдаги Фармонига кўра, собиқ Қуролли Кучлар прокуратураси негизида Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ташкил этилиб, унинг тузилмасига ўзгартиришлар киритилди. Аввалги гарнизон ҳарбий прокуратуралари ўрнига вилоятлардаги ҳудудий ҳарбий прокуратуралари ҳамда 4 та янги тузилма — округ ҳарбий прокуратуралари ташкил этилди.

Ушбу Фармон асосида Республика Бош прокурори томонидан «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси тўғрисида»ги Низом тасдиқланиб, ҳарбий прокуратура фаолияти қонун асосида такомиллаштирилди.

Ўтган давр мобайнида бошқа жабҳалардаги каби суд-ҳуқуқ соҳасида ва Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш бўйича ҳам улкан ислоҳотлар амалга оширилгани барчамизга маълум.

Жиноий жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонун, «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун қабул қилингани бунга яқол мисол бўла олади.

Ҳарбий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таркибий қисми ҳисобланади, шу сабабли унинг фаолияти бевосита Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан ўзининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори ва унга бўйсунувчи жойлардаги ҳарбий прокурорлар орқали амалга оширилади. Ҳарбий прокуратура органлари фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси «Прокуратура тўғрисида»ги қонун ва республикамиздаги бошқа қонунлар асосида амалга оширилади.

Мустақиллигимизнинг ўтган даврида Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан амалга оширилган амалий ишлар натижасида кейинги йилларда Қуролли Кучларда жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг кескин камайишига эришиш билан бир қаторда ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий маданияти даражасини янада юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий тарбияси юзасидан қатор ишлар амалга оширилишига, Қуролли Кучларда қонун устуворлигини таъминлашга эришилди.

Республика Ҳарбий прокуратураси органлари томонидан Қуролли Кучларда ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчилар ва хизматчи фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларни қонунларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўз фаолиятига ошкоралик бериш борасида доимий равишда қонунчилик тарғиботи тадбирлари амалга ошириб келинмоқда. Бунда асосан ҳарбий хизматчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишга ҳамда уларнинг ижтимоий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва улар ижросининг таъминланишига эришиш, жанговар шайлик ва ҳарбий мулк асраб-авайланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда, ҳудуддаги жиноятчилик ва қонунчилик аҳволи ҳамда ҳарбий қисмларнинг алоҳида хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, ҳарбий қисм ва қўмондонликлар, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар билан ҳамкорликда режалар тузиш ва улар асосида тадбирлар ўтказиш йўлга қўйилган. Қонунчилик тарғиботини амалга оширишда ОАВдан, хусусан, телевидение ва радиодан, «Huquq», «Ватанпарвар» ҳамда «Халқ сўзи», «Инсон ва қонун» газеталаридан унумли фойдаланилиб, улар орқали ҳарбий прокуратура органлари ходимлари турли мавзудаги чиқишлари билан қонунчилик тарғиботи тадбирларининг сони, сифати ва самарадорлиги ошишига эришишмоқда.

Республика Ҳарбий прокуратураси томонидан ҳарбий прокуратура органларида ҳарбий хизмат ўтаётган ҳарбий хизматчиларнинг касб-маҳорати, тажриба ва малакасини ошириш борасида доимий равишда амалий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган. Ҳарбий мутахассислар, ҳуқуқшунослар, тажрибали прокурор-тергов ходимлари, Республика Бош прокуратурасининг олий ўқув курслари профессор ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда амалий-семинар машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Республика Президентининг 2007 йил 30 ноябрдаги «Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ҳақида»ги Фармойишининг ижросини таъминлаш юзасидан Қуролли Кучлар тизимида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, «Ватан ҳимоячилари куни», Қуролли Кучларимизнинг 16 йиллиги байрами билан барча юртдошларимизни, шу жумладан она-юртимиз посбонларини, шунингдек, ҳарбий прокуратура органлари ходимларини, уларнинг оила аъзоларини, ишчилар ва хизматчиларни, фахрийларни Республика Бош прокуратураси ва Республика Ҳарбий прокуратураси раҳбарияти номидан самимий табриклайман.

Ватанимиз тинчлиги, мустақиллигимиз барқарорлиги ва халқимиз осойишталиги, бунёдкорона меҳнатини таъминлаш, ишончли ҳимоя қилишдек машаққатли ва шарафли хизматларида юрт ҳимоячиларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва муваффақиятлар тилайман.

Ҳар бир давлатда аҳолини иш билан таъминлаш — мамлакат сиёсатининг асосий йўналишларидан саналади. Бунинг асосий мақсади — аҳолининг кам таъминланган қатламини меҳнат бозорига жалб этиш, фуқарога оёққа туриб олиш ва муайян йўлни танлашга имконият яратиб бериш, бошқача қилиб айтганда турмуш фаровонлигини оширишдан иборатдир.

Меҳнат дафтарчаси таъминот кафолатидир

Ҳар бир фуқаронинг кафолатланган меҳнат шароитларида ишлаши энг аввало унинг ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоясини таъминлайди. Жумладан, бундай шарт-шароит унга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги, ҳомиладорлик ва туғиш, бола туғилганда, қўшимча дам олиш куни учун, боқувчисини йўқотганда, шунингдек, дафн этиш маросимини ўтказиш учун, қариганда, меҳнатга лаёқатсиз бўлиб қолганда нафақа олиш ҳуқуқини кафолатлайди. Аммо, кейинги пайтларда меҳнатга қобилиятли бўлган аксарият шахслар, энг аввало ёшлар зарур кўникмалари, касб ва малакага эга бўлмаганликлари оқибатида ҳуқуқий асосга эга бўлмаган шароитларда ишлашни лозим топмоқда. Ишсизликнинг олдини олиш ва аҳолининг бундай қатламини муҳофаза қилиш мақсадида меҳнат биржалари, бир марталик иш бериш марказлари фаолият юритаяпти. Ишсиз фуқароларга яратилган бундай қулайликларга қарамай соҳада ҳали ҳам муаммолар етарли. Масалан, бундай фуқароларнинг меҳнат дафтарчалари юритилмайди.

Мамлакатимиз қонунчилигига кўра иш берувчи ҳар бир ходимга меҳнат дафтарчаси тутиши шартлиги белгиланган. Меҳнат дафтарчаси эса ўз навбатида пенсия олиш ҳуқуқини олиш учун меҳнат стажини тасдиқловчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Меҳнат дафтарчаси мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар корхона, муассаса ва ташкилотларда беш кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан муайян муддатга ёлланганларга, шунингдек, давлат ижтимоий суғурта қилиниши кўзда тутилган тақдирда, штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 августдаги «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг меҳнат стажини ҳисобга олиш ва уларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадаллар ажратиши Тартиби»га мувофиқ, бундай шахсларга меҳнат дафтарчаси у тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан юритилади. Агар фуқаро тадбиркорлик фаолияти бошлангунга қадар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган бўлса, меҳнат дафтарчаси туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан очилади. Мабодо, тадбиркорлик фаолияти фуқаро учун ўриндошлик ҳисобланса, меҳнат дафтарчаси унинг асосий иш жойида юритилади. Бундай ҳолларда тадбиркорнинг хоҳишига кўра, унинг ўриндошлик даври ҳам меҳнат дафтарчасига киритилиши мумкин.

Одатда, меҳнат дафтарчасида ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш ва ишдан бўшатиш тўғрисидаги маълумотлар устуни ҳар корхона, муассаса ва ташкилотнинг кадрлар бўлими ёки бунга масъул бўлган шахс томонидан қайд этиб борилади. Юқоридаги ҳолатда эса мазкур вазифа ижтимоий таъминот бўлими томонидан бажарилиб, тадбиркорнинг меҳнат дафтарчасидаги лавозими ҳақидаги ўзгаришлари устунига «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади» деб қайд этилади. Агар тадбиркор бундай иш билан шуғулланишни тўхтатса, «Юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолиятини тўхтатди» деб ёзилади. Бунинг асоси сифатида эса туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясининг маълумоти кўрсатилади.

Бундай фаолият юритувчиларнинг меҳнат дафтарчалари юритилиши тадбиркорнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига бадални мунтазам равишда тўлаб бориши билан боғлиқдир. Яъни, у бундай бадални белгиланган муддатдан кейин бир ой мобайнида тўламаса, меҳнат дафтарчасига «Суғурта бадаллари тўлашни тўхтатиб қўйди» деган ёзув ёзилади. Агар у мазкур ёзув ёзилгандан кейин ушбу бадални тўлашни тикласа, меҳнат дафтарчасига «Суғурта бадаллари тўлашни тиклади» деб қайд этилади. Суғурта бадалининг ўз вақтида тўланмаслиги меҳнат стажининг узлуксиз боришига путур етказади.

Худди шу каби тартибни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолият юритувчи деҳқон хўжаликлари фаолиятида ҳам учратиш мумкин. Бироқ, бу ҳолатда меҳнат муносабатлари асосан мавсумий характерда эга бўлганлиги боис хўжалик бошлиғи ишчиларни ишга ёллаш вақтида меҳнат шароитлари, бажариладиган иш ва меҳнат ҳақини олдиндан айтса-да, шартнома оғзаки тарзда тузилмоқда. Бундай ҳолда ходимнинг ижтимоий ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлади.

Аслида бу жараён қандай бўлиши керак?

Юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжалигига ишга қабул қилинаётган аъзонинг ҳам меҳнат дафтарчаси юритилади. Бу вазифа деҳқон хўжалиги аъзоси рўйхатдан ўтказилган жойдаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан, аъзо суғурта бадалларини тўлайдиган бутун муддат мобайнида сақланади ва юритилади. Бунинг учун деҳқон хўжалиги аъзоси ишга кираётган вақтда ўз меҳнат дафтарчасини тақдим этиши лозим. Агар меҳнат дафтарчасига эга бўлмаса, ижтимоий таъминот бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унга меҳнат дафтарчаси очади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат дафтарчасини юритиш эса икки хил тарзда бўлиши мумкин. Яъни, у ё деҳқон хўжалиги бошлиғи томонидан ёхуд ижтимоий таъминот бўлими томонидан юритилиши ва сақланиши мумкин. Бунда деҳқон хўжалиги аъзосининг меҳнат дафтарчасидаги хўжалик бошлиғи томонидан ёзилган ёзувлар ижтимоий таъминот бўлими томонидан тасдиқланиши керак. Агар бу ёзувлар ижтимоий таъминот бўлими томонидан тасдиқланмаган бўлса, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган шахслар иш билан таъминланган аҳоли тоифасига мансуб ҳисобланиб, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ пенсия билан таъминланиш ҳуқуқига эга. Аммо бундай ҳуқуқни қўлга киритиш учун ушбу иш билан банд бўлган жисмоний шахслар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда суғурта бадалларини тўлаб турсаларгина бу давр уларнинг меҳнат стажига киритилади. Шу билан бирга, агар улар иш берувчилар билан меҳнат муносабатларида турмаса ёки белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган хусусий тадбиркорлар ҳисобланмаса ёки ўқув юртларида ўқимаса уларга меҳнат дафтарчаси очилади.

Меҳнат дафтарчаси бериш туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилади. Меҳнат дафтарчасига эга бўлмаган шахсларга меҳнат дафтарчаси мазкур шахснинг яшаш жойидаги меҳнат органи томонидан, фуқаронинг шахсий аризаси асосида очилади. Меҳнат дафтарчаси очиш учун фуқаро паспортини ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органидан шахсий ёрдамчи ёки деҳқон хўжалигида қорамол мавжудлиги тўғрисидаги маълумотномани шахсан кўрсатади.

Меҳнат стажини ҳисоблашда, агар мазкур шахс ушбу календарь йилнинг камида 9 ойи мобайнида бадалларни тўлаган бўлса, пенсия тайинлаш учун стажга тўлиқ календарь йил ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда белгиланган пенсия турларини олишда меҳнат дафтарчаси билан бирга ижтимоий таъминот органлари томонидан суғурта бадаллари тўланганлигини тасдиқловчи маълумотномалар ҳам иш стажини тасдиқловчи асосий ҳужжатлар сирасига киради. Аммо баъзан, меҳнат дафтарчаси умуман бўлмаган ёки меҳнат дафтарчасидаги зарур ёзувлар киритилмаган ёхуд хато ва ноаниқ қайд этилган ҳолатларга дуч келамиз. Бундай ҳолларда «Пенсия тайинлаш учун меҳнат стажини тасдиқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра, маълумотномалар, буйруқлардан кўчирмалар, иш ҳақи бериш бўйича шахсий счётлар ва ведомостлар, уларнинг бажарганлиги қайд этилган ёзма меҳнат шартномалари (контрактлар) ва иш даврлари тўғрисида маълумотлар бўлган бошқа ҳужжатлар қабул қилинади. Юқорида кўрсатилган ҳужжатлар бўлмаса, меҳнат стажини исботлаш учун касаба уюшмаси билетлари ва ҳисоб-китоб дафтарчалари қабул қилинади. Ҳисоб-китоб дафтарчалари иш ҳақи тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун, касаба уюшмасига аъзолик билети эса иш ҳақи ёки стипендиядан аъзолик бадаллари тўланганлиги тўғрисида белги қўйилган вақт учун иш даврини тасдиқлайди. Касаба уюшмасига аъзолик билети бўлмаган тақдирда, стаж ҳисобга олиш варақаси асосида аниқланиши мумкин. Бунда фақат аъзолик бадаллари тўланган вақт стажга киради.

Иш стажига эга бўлмаган фуқаролар ва уларнинг оилалари қонунга мувофиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
«Huquq» мухбири

Сандиқдаги ҳужжат

Яқинда уйимиздаги кичик сейфни титкилаб, муқоваси титилиб кетган эски бир ҳужжатга кўзим тушди. Уни қизиқиб қўлимга олдим. Кулранг муқовадаги «Трудовая книжка» ёзувлари униқиб кетган бўлса-да, ўқиса бўларди. Авайлаб унинг ичини очдим. Бошдан-оёқ русча тўлдирилган дафтарчанинг «фамилия, имя» деган жойидаги «Шерназаров Мустафакул» ёзувини ўқиб кўзим чақнаб кетди. Дафтарчада тағин «год рождения — 1903», «профессия — сельский работник» деган ёзувлар ҳам бор эди. Отамиз Мустафоқулбой бадавлат хонадонга мансуб бўлгани, «қулоқ» сифатида минглаб қўй-қўзилардан, олтин-кумушлардан, қўшиморатлардан мосиво этилиб, сарсон-саргардон қилингани тўғрисида кўп эшитгандим. Мана, ўша кунларнинг тилсиз гувоҳи бўлган ҳужжат. Қўлимдаги «книжка»га боқиб, ўзимча ўйлаб қолдим. Ҳозир ҳаммада ҳам мана шундай ҳужжат бормикин?

ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола — ҳар қандай сабабга кўра ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола, бундан етим бола мустасно.

4-модда. Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсати

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

боланинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш;

боланинг камситилишига йўл қўймаслик;

боланинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш;

бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

Буклаш чизиғи

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, тўлиқ давлат таъминотида турган ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларини битирган ёки жазони ўташ муассасаларидан озод қилинган болалар, шунингдек ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифадаги болалар ўзлари илгари яшаган турар жой майдонига эга бўлиш ёки қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой олиш ҳуқуқига эга.

27-модда. Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ёрдам олишга бўлган ҳуқуқи кафолатлари

Ижтимоий ёрдам уни олиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир болага тайинланади.

Ижтимоий ёрдам кўрсатиш миқдори, шартлари ва тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Етим болаларга ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таълим бериш ҳамда уларни таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда тўлиқ давлат таъминоти асосида амалга оширилади.

Давлат органлари ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ҳар бир болага, болаларнинг жойлаштирилиши шаклидан қатъи назар, моддий ва бошқа шароитларни таъминлайди.

Давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ҳомийлик дастурларини қонун ҳужжатларига мувофиқ рағбатлантиради.

28-модда. Ногирон болалар, жисмо-

Қирқиш чизиғи

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бола (болалар) — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс (шахслар);

боланинг қонуний вакиллари — ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар;

васийлик ва ҳомийлик — ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уларга таъминот, тарбия ҳамда таълим бериш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида жойлаштиришнинг ҳуқуқий шакли. Васийлик ўн тўрт

Буклаш чизиғи

Давлат махсус педагогик ёндашувга эҳтиёжи бўлган ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг белгиланган таълим стандартлари ва талаблари даражасида билим олишларини кафолатловчи зарур маблағлар ажратади ҳамда бошқа чоралар кўради.

Жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болалар улар учун махсус ишлаб чиқилган таълим дастурлари бўйича таълим муассасаларида ўқиш ва тарбияланиш ҳамда ўз жисмоний, ақлий қобилиятлари ва хоҳишларига мос бўлган таълим олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-психологик-педагогик комиссиянинг тавсияси бўлган тақдирда, жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар ва ногирон болаларнинг ота-онаси ўз хоҳиш-истагига кўра ҳамда боланинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда таълим (умумтаълим ёки ихтисослаштирилган) муассасаси турини танлаш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларга ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига ўқишга киришда қонун ҳужжатлари билан имтиёзлар белгиланиши мумкин.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

30-модда. Низоларни ҳал этиш

Бола ҳуқуқларининг кафолатлари соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

31-модда. Бола ҳуқуқларининг кафо-

Қирқиш чизиғи

турлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда иштирок этиши;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши мумкин.

2-боб. Бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари

7-модда. Бола ҳуқуқларининг қонуний кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар бир болага инсон ҳамда фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари тегишли бўлади ҳамда давлат томонидан кафолатланади.

Никоҳда ва никоҳсиз туғилган болалар тенг ҳамда ҳар тарафлама ҳимоядан фойдаланади.

Давлат боланинг барча шакллардаги камситишлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш учун зарур чораларни кўради.

Бола ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмас, қонунда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

8-модда. Боланинг яшаш ҳуқуқи кафолатлари

Яшаш ҳуқуқи ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир. Бола ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

Давлат соғлом боланинг туғилиши ва ривожланишини таъминлаш учун шароит яратади.

Буклаш чизиғи

22-модда. Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола соғлиғини сақлаш ҳуқуқига эга.

Давлат соғлом бола туғилишини таъминлаш учун онага унинг соғлиғини сақлаш шароитларини яратади.

Давлат болаларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳажмда бепул тиббий ёрдамни кафолатлайди.

Боланинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи давлат томонидан қуйидаги йўллар билан таъминланади:

малакали тиббий хизмат кўрсатилишини ташкил қилиш;

боланинг, унинг ота-онасининг саломатлигини назорат қилиш ва болалар касалликлари профилактикаси;

болалар ва ўсмирларни даволаш-профилактика муассасаларида диспансер кузатувини олиб бориш ҳамда даволаш;

талаб даражасидаги сифатга эга бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишини назорат қилиш;

боланинг физиологик хусусиятлари ва соғлиғи ҳолатига жавоб берадиган таълим олиш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яратиш;

касбга йўналтиликни аниқлашда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан бепул тиббий маслаҳат бериш;

санитария-гигиена таълими бериш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва рағбатлантириш;

соғлиғининг ҳолати тўғрисида бола учун

Қирқиш чизиғи

қаруви органларининг бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ваколатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз вазифалари доирасида қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича устувор йўналишларни белгилаш;

бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ижро этиш;

бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ҳамда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқариш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича давлат органлари, болалар муассасалари, ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш;

бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини рўёбга чиқаришга доир тадбирларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириш;

давлатга қарашли болалар муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва нодавлат болалар муассасаларини ривожлантиришга кўмаклашиш чора-тадбирларини кўриш;

бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятлари бажарилишини назорат

Буклаш чизиғи

лик қилувчи шароитларни бартараф қилиш, бола оиласидан ажратилган ҳолларда эса уни оиласига тезроқ қайтариш бўйича зарур чораларни кўради.

Давлат ногирон болаларни ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болаларни тарбиялаётган оилаларга моддий ёрдам, маслаҳат ёрдами ва бошқа ёрдам кўрсатади ҳамда уларни қўллаб-қувватлайди.

Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола тўғрисида гамхўрлик қилишда имтиёзли ҳуқуқ бу вазифани бажаришга қодир бўлган қариндошларига берилади.

Болани оилага жойлаштиришнинг имконияти бўлмаган тақдирда, уни ихтисослаштирилган муассасаларга жойлаштириш охирги чорадир.

Оилада тарбияланиши мумкин бўлмаган ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар уларга зарур гамхўрликни ҳамда қўллаб-қувватлашни таъминлайдиган муқобил шаклда жойлаштирилиш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг шакллари қуйидагилардир:

васийлик ва ҳомийликни белгилаш;

болани фарзандликка олиш;

оилага тарбияга олиш (патронат);

ихтисослаштирилган тарбия, даволаш муассасаларига, ижтимоий ҳимоя муассасаларига жойлаштириш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни муқобил жойлаштиришнинг бошқа шакллари ҳам назарда тутилиши мумкин.

Қирқиш чизиғи

укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг ҳақиқий эмас деб топилиши ёки ота ва онанинг бошқа-бошқа яшаши боланинг ҳуқуқларига таъсир қилмайди.

Ота ва она турли давлатларда яшаган тақдирда ҳам бола улар билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Экстремал вазиятларга (ушлаб туриш, ҳибсга олиш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) тушиб қолган бола ўз ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Боланинг ғайриқонуний кўчирилишдан ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ғайриқонуний кўчирилишдан ва чет элдан қайтарилмасликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг чет элга сафарлари фақат ота ва онанинг ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахсларнинг розилиги билан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкин. Ушбу масала бўйича ота ва она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик суд томонидан ҳал қилинади.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар боланинг йўқолганлиги ҳақида тегишли органларга дарҳол хабар беришлари шарт.

Ота-она ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар ҳамроҳлигида бўлмаган болалар уларнинг ёнига кафолатли қайтарилиш ҳуқуқига эга.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари чет элда қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз турган болаларнинг – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади ва уларнинг қайтарилиши бўйича чоралар кўради. Ота-онаси бедарак йўқолган деб топилган ёки улар вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, васийлик ва ҳомийлик органи ана шу болаларни оилага, бундай имконият бўлмаганда эса етим болалар ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун тайинланган муассасаларга жойлаштириш чораларини кўради.

Қонуний вакиллари ҳамроҳлигисиз чет элда турган болаларни қайтариш масалалари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари асосида ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ давлат ижро этиш мақсадлари, шакллари ва усулларидан қатъи назар, болаларни ғайриқонуний кўчиришнинг олдини олиш, шунингдек уларни доимий яшайдиган мамлакатига қайтариш чораларини кўради.

15-модда. Боланинг ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқи кафолатлари

Оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир.

Қирқиш чизиғи

лари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг қонунга хилоф қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси, ота-онасининг ўрнини босувчи шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор, суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етгунча қонунга мувофиқ тўла муомалага лаёқатли деб эътироф этилган (эмансипация) бола ўз ҳуқуқларини, шу жумладан ҳимояга бўлган ҳуқуқини мустақил амалга оширишга ҳамда мажбуриятларини мустақил бажаришга ҳақлидир.

Бола ота-она ва ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар томонидан қилинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганда, шу жумладан ота-она (улардан бири) ёки ота-онанинг ўрнини босувчи шахслар болага таълимот, тарбия ва таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганда ёхуд ота-оналик ҳуқуқларини суиистеъмол қилганда бола ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини сўраб васийлик ва ҳомийлик органига мустақил равишда мурожаат қилишга ҳақли.

Буклаш чизиғи

19-модда. Боланинг турар жойга бўлган ҳуқуқлари кафолатлари

Ҳар бир бола турар жойли бўлиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Турар жой мулкдорининг ёки турар жойни ижарага олувчининг оила аъзолари бўлган болалар улар қаерда бўлишларидан қатъи назар, турар жой мулкдори ёки турар жойни ижарага олувчиси эгаллаб турган турар жойга нисбатан ҳуқуққа эга бўлади.

Тарбия, даволаш муассасалари ва бошқа муассасаларда, қариндошлари, васийлари ёки ҳомийлари қарамоғида бўлган етим болалар, ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар турар жойга бўлган мулк ҳуқуқини ёки турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Васийлик ёки ҳомийлик белгиланган боланинг мулкида ёки фойдаланишида бўлган турар жойни ўзга шахсга ўтказиш учун васийлик ёки ҳомийлик органининг розилиги талаб қилинади.

20-модда. Боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатлари

Ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ва касбни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқига эга.

Ишга қабул қилишга ўн олти ёшдан йўл қўйилади.

Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга

Қирқиш чизиғи

ДИАЛОГ БЎЛМАЙДИ

Белорус Президенти маъмурияти мамлакатдаги мухолифатчи партиялар вакилларининг бўлажак парламент сайловлари борасида иккитомонлама диалог ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Мухолифатчиларга йўлланган жавоб хатида Президент маъмурияти бу каби масалалар билан шуғулланмаслиги таъкидлаб ўтилган. Бундай жавоб қўплаб сиёсатчиларни таажжубга солди. Чунки қонун чиқарувчи ташаббус субъектларидан бири бўлмиш давлат раҳбари, бевосита ва билвосита бу турдаги масалалар билан шуғулланишига тўғри келади. Марказий сайлов комиссияси раиси Лидия Ермошина ўз мурожаатида парламент сайловларини 2008 йилнинг 12 октябрида ўтказишни таклиф этди, деб хабар қилади «Telegraf.by» ахборот агентлиги.

Қабилалар уруши

Кенияда ўтказилган президентлик сайловлари натижалари эълон қилингандан кейин бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлар натижасида минглаб одамлар ҳалок бўлди, деб хабар қилади «CNN» ахборот агентлиги. Ҳукумат вакиллари қурбонлар сони 486 нафар деб таъкидламоқда. Бироқ, бу ҳисобкитобда мамлакатдан чиқиб кетиш пайтида чегара ҳудудидаги дарёлардан ўтаётиб чўкиб кетган ёки чўктириб юборилганлар сони эътиборга олинмаган. Расмий маълумотларга кўра, 255 минг аҳоли ўз уй-жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлган. Мазкур ҳисобот Кения ҳукумати қошида ташкил этилган инсонпарварлик масалалари бўйича махсус бюро томонидан тузилган. Бюро ходимлари ҳисоб-китобни биринчи навбатда тартибсизликлардан кўпроқ зарар кўрган ҳудудлардан бошлашган.

Эслатиш жоизки, 2007 йилнинг декабрида ўтказилган сайловларда амалдаги Президент Мваи Кибаки ва унинг «Миллий бирлик» партияси ғалаба қозонганди. Мухолифатчилар сайлов натижалари қалбакилаштирилган деб, бутун мамлакат бўйлаб норозилик намойишларини бошлаб юборишди. Намойишлар тез орада этник тўқнашувларга олиб келди. Бунда асосан Президент Кибакига мансуб кикуйю қабиласи ва мухолифат етакчиси Райл Одинга мансуб луо қабиласи ўртасида ўзаро қонли тўқнашувлар юз бера бошлади. Халқаро ҳамжамият аралашувидан сўнг томонлар ўзаро музокаралар ўтказишга рози бўлдилар. Кузатувчиларнинг фикрича, яқин кунларда Кенияда янги коалицион ҳукумат тузилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.



«Ўхшамаган» қотил

8 январь куни Мальдив оролларининг Президенти Момун Абдул Гайюмга суиқасд уюштирилди. «AFP» ахборот агентлигининг хабар беришича, Момун Абдул Гайюм Хоарафуши ороли аҳолиси билан учрашаётган вақтда одамлар орасидан бир ўспирин югуриб чиқиб, Президентга пичоқ урмоқчи бўлган. Хавфсизлик хизмати ходимларининг тезкор ҳаракати натижасида суиқасд бартараф этилиб, айбдор ҳибсга олинган. Таъкидлаш жоизки, Момун Абдул Гайюм 28 йил давомида Мальдив оролларига раҳбарлик қилиб келмоқда. 2003 йил бўлиб ўтган президентлик сайловларида уни оролларнинг аҳолисининг 90,3 фоизи қўллаб-қувватлаган.

Ватанга қайтиш

2006 йилда ҳарбий тўнтариш натижасида ҳукуматдан кетган Таиланд собиқ бош вазири Таксин Чинаватнинг рафиқаси сешанба куни Банкокга келди. 51 ёшли Поджаман Чинаватнинг солиқлардан бўйин товлаш айблови билан суд олдида жавоб беради. Ўшу кунга қадар Гонконгда яшаб келган. Таъкидлаш жоизки, собиқ бош вазир ва унинг оила аъзолари ҳарбий тўнтариш содир этилгандан буён Таиландга келишмаганди. Солиқлардан бўйин товлаш айбловини суд Поджаман Чинаватга 2007 йилнинг март ойида сиртдан эълон қилганди. Таксин Чинаватнинг ўзи эса шу йилнинг апрель ойида Таиландга қайтишини маълум қилган.

Таъкидлаш жоизки, апрелда янги ҳукумат иш бошлайди. Ушбу ҳукуматда Таксин Чинаватнинг «Халқ ҳокимияти партияси» тарафдорлари аксариятни ташкил этади. Чунки 2007 йил декабрида ўтказилган парламент сайловларида айнан шу партия ғалаба қозонганди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Иккинчи тургa ўрин йўқ

Грузияда ўтказилган президентлик сайловлари натижалари эълон қилинди. Марказий сайлов комиссияси томонидан тарқатилган баёнотга кўра, президентлик сайловларида 52,21 фоиз овоз билан Михаил Саакашвили ғолиб чиққан. Унинг асосий рақиби — бирлашган мухолифат номзоди Леван Гачечиладзе эса 25,26 фоиз овоз йиға олган, холос. Учинчи ўринда 6,99 фоиз овоз билан тадбиркор Бадри Патаркацишвили турибди. Шалва Нателашвили эса 6,42 фоиз овоз тўплаб, тўртинчи ўринни эгаллаган. Грузия мухолифатчи партиялари тарафдорлари овозларни ҳисоблаш якунини кутмасданоқ, сайлов натижалари қалбакилаштирилганлигини таъкидлаб ўтдилар. Айни дамда Грузияда мухолифат томонидан оммавий норозилик намойишлари ўтказилмоқда, деб хабар қилади «РИА Новости» ахборот агентлиги.

Ишонч ортмоқда

«Postimees» нашрида ёзилишича, «Turu-uuringute AS» фирмаси томонидан ўтказилган сўровномага қараганда, эстонияликларнинг 80 фоизи ўз полициячиларига ишонар эканлар. Бу бошқа давлатлар ёки Эстониянинг полициясига ишониш керакмас ёхуд умуман ишониб бўлмайди дегани эмас, балки эстонияликларнинг ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига бўлган ишончи йил сайин ортиб бораётганини кўрсатади. Масалан, 2004 йилда ишонч кўрсаттичи 70 фоиз бўлгани ҳолда, 2005 йилда бу кўрсаттич бир фоизга ошган. 2006 йилга келиб яна икки фоизга ортган. 2007 йилда фоизлар миқдори 75 фоизга етган. Кўриниб турибдики, Эстония аҳолисининг полицияга нисбатан ишончи йил сайин ижобий томонга ўзгариб бораяпти.

Озодлик учун 15 минг доллар

Афғонистоннинг Гелманд вилоятидаги «Толибон» жангарилари қўмондони Нахиб Аҳмаднинг таъкидлашича, у қамоқхонадан 15 минг доллар миқдорида пора бериб қутилиб чиққан эмиш. «Қизил мулла» лақаби билан танилган Нахиб Аҳмад Гелманд вилоятида жойлаштирилган Буюкбритания аскарларига қарши ўтказилган деярли барча қўпорувчилик операцияларига бошчилик қилган. 2007 йилнинг ёзида у ҳибсга олиниб, афғон қамоқхоналарининг бирига жўнатилганди. «BBC News» ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюсида Нахиб Аҳмад 2007 йилнинг 24 июлида ушланганлигини, шундан сўнг Қобулдаги миллий хавфсизлик бошқармаси қамоқхонасига юборилганлигини ва у ерда беш ой ўтирганини гапириб берган. Афғонистон қонунчилигига мувофиқ, ҳар бир гумонланувчи ёки айбланувчи шахс фақат икки ой вақтинчалик ушлаб туриш изоляторида сақланиши мумкин. Ушбу муддат тугагач, у суд ихтиёрига топширилиши шарт. Нахиб Аҳмаднинг айтишича, 4 январь куни унинг олдига бир таниши ташриф буюрган. Ташриф буюрган шахс ҳамда қамоқхона қоровули ўртасида давом этган қисқа муддатли музокарадан сўнг Нахиб Аҳмаднинг озодлиги 15 минг АҚШ долларига сотиб олинган. Шунингдек, Аҳмаднинг таъкидлашича, сўнгги уч йил ичида у уч маротаба қамоққа тушган, лекин ҳар сафар пора эвазига озод бўлаверган. Афғонистон ҳукумати вакиллари эса бу маълумотларни кескин инкор этмоқда. Афғонистон миллий хавфсизлик бошқармаси матбуот маркази бошлиғининг баёнқилишича, уларда ҳеч қачон Нахиб Аҳмад исмли маҳбус бўлмаган экан, деб хабар қилади «РИА Новости» ахборот агентлиги.

Террорчи ҳибсда

Туркия полицияси мамлакатнинг Диярбакир шаҳрида 3 январь куни содир этилган портлашга алоқадор шахсни ҳибсга олди, деб хабар беради «AFP» ахборот агентлиги. Маълумотларда айтилишича, ёши йигирмаларда бўлган шахс Курд Ишчи Партияси аъзосидир. Унинг исм-шарифи тергов манфаатлари йўлида ошкор этилмаяпти. Полициячиларнинг фикрича, у Ироқ шимолида жойлашган жангарилар машғулот лагерида таълим олган. Туркия бош вазири Реджеп Тайип Эрдоган гумонланувчи ушланганлиги тўғрисидаги ахборотни тасдиқлади. Унинг айтишича, ҳибсга олинган шахс террорчилик ҳаракатидан икки кун олдин автомашина сотиб олган ва айнан шу автомашина икки кун ўтгач Диярбакир шаҳрида портлатилган. Умуман олганда, ҳозирга қадар мазкур террорчилик хуружига алоқадорликда гумон қилиниб, жами олти киши ушланган.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 3 январида мамлакат жануби-шарқида жойлашган Диярбакир шаҳрида ҳарбийлар автобуси йўналишида миналаштирилган автомашина портлатиб юборилган. Мазкур хуруж натижасида олти киши ҳалок бўлган, 70 киши турли даражадаги тан жароҳати олган.

Халқ қарши

«Интерфакс» ахборот агентлигининг хабар беришича, Чехия жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровномаларга қараганда, ҳар ўнта чехдан етти тасмлакат ҳудудига АҚШнинг ҳаво ҳужумига қарши тизим қисми жойлаштирилишига қарши чиқмоқда. Тадқиқот муаллифларининг фикрича, норозилар сафи йил сайин ошмоқда. Мисол учун, 2007 йилнинг май ойида ўтказилган сўровномага кўра, қарши чиққанлар сони 61 фоизни ташкил этган, ноябрь ойига келиб эса бу кўрсаттич 68 фоизга етган.



Эслатиб ўтиш жоизки, Мирек Тополанек бошчилигидаги консерватив ҳукумат Прагадан 90 километр узоқликда Ғарбий Богемиянинг Мишов аҳоли турар-жой пункти яқинида АҚШнинг ракета зарбаларига қарши мудофаа тизими радарларини қуришга рухсат бермоқчи. Мазкур масала 2008 йилнинг январь ойида Чехия парламентида ҳал этилиши кутилмоқда. Аввалроқ, парламентарийлар мазкур масалани умуммиллий референдум орқали ҳал этиш тўғрисидаги таклифни рад этгандилар.

Чехиядаги радардан ташқари, АҚШ ҳаво ҳужумига қарши тизимининг асосий қисмини Польша ҳудудида жойлаштирмоқчи. Оқ уй маъмурияти ўз хатти-ҳаракатларини изоҳлар экан, булар Эрон томонидан амалга оширилиши мумкин бўлган ракета зарбаларини бартараф этиш ҳамда НАТО блоки бўйича ўз иттифоқчиларини ҳимоя қилиш ниятида қилинаётганлигини билдирган. Ўз навбатида, Россия бу изоҳга қониқмай, АҚШ ҳаво ҳужумига қарши тизимларнинг ушбу ҳудудларда жойлаштирилишини ўзига нисбатан хавф дея баҳолади.



Олти ой оралиғида яна зарба

8 январь куни сўнгги олти ой ичида биринчи маротаба Исроилга қарата Ливан ҳудудидан ракета зарбалари амалга оширилди. «Haaretz» ахборот агентлигининг хабар беришича, «Катюша» мосламасидан учирилган иккита ракета Исроилнинг Шломи шаҳри шимолидаги кўчаларга тушган. Ракета зарбалари натижасида ҳалок бўлганлар тўғрисида маълумотлар йўқ. Ҳозирча ушбу ҳаракатни ҳеч ким ўз зиммасига олмаган. Таъкидлаш жоизки, бундан олти ой олдин 2007 йилнинг 17 июнида Ливан томонидан учирилган бир неча ракета Исроилнинг Кирьят-Шмона шаҳрига келиб тушганди. Портлашлар натижасида ҳеч ким қурбон бўлмаган.

Қайд этиш керак, 9 январь куни АҚШ Президенти Жорж Буш расмий ташриф билан Исроилга келди. Ташриф давомида у Исроил бош вазири Эхуд Ольмерт ҳамда Шимон Перес билан биргаликда Яқин Шарқ муаммосини ҳал этиш борасида музокаралар олиб боради.

«Internet» хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади

СЎНГГИ САЙР

2007 йилнинг куз ойларида Москва шаҳар судида катта шов-шувларга сабаб бўлган жиноят иши кўриб чиқилган эди. Суд ҳукми билан 32 ёшли Александр Пичушкин 48 кишининг қотили деб топилди ва умрбод озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум этилди.

2003 йилнинг ёзида Москва шаҳрининг жануби-ғарбидаги Битцевск ўрмон-паркидан бир неча одамнинг мурдаси топилгач, «Битцевск маняги» ҳақидаги дастлабки миш-мишлар тарқалган, ўша пайтларда москваликлар бу парк яқинига ўйлаб қадам босадиган бўлиб қолишган эди. Аммо кейинроқ шаҳарнинг бошқа бир четида ўнлаб ёш хотин-қизларни бўғиб ўлдирган маняк ҳақидаги шов-шувлар сабаб, одамлар «Битцевск маняги» ҳақидаги миш-мишларни унутиб юборишади.

Кўп ўтмай яна Битцевск паркидан ўлдирилган одамларнинг жасадлари топила бошлагач, маҳаллий матбуот «Битцевск маняги» ҳақидаги миш-мишларга ёпишиб олади. 2005-2006 йилларга келиб эса матбуотда мазкур қотилликларни содир этган жиноятчининг қўлга тушгани ҳақида хабарлар берила бошлайди, Бироқ, қотилликлар тўхтамайди. Тергов ва суриштирув ишлари боши берк кўчага кириб қолган, жиноятчи эса озодликда, ўз билганича ва ўз усулида серияли қотилликлар содир этишда давом этарди.

Москва шаҳар милицияси оёққа турди. Бироқ ўтказилган операциялар самарасиз якунланарди. Кутилмаган бир тасодиф туфайлигина «Битцевск маняги»нинг изига тушишга муваффақ бўлинди.

2006 йилнинг 14 июнида ўша паркдан Марина Москалева исмли аёлнинг жасади топилади. Бу қотиллик ҳам «Битцевск маняги»нинг иши эканлигига шубҳа йўқ эди. Шу жараёнда марҳума М.Москалеванинг ўғли милицияга олиб келган икки энлик хат кўп нарсани ўзгартириб юборди. Хатда М.Москалева қандайдир «дўсти» билан паркка айлангани кетаётгани ва ўша «дўсти»нинг телефон рақамини ёзиб қолдирган экан...

Телефон рақами 32 ёшли Александр Пичушкинга тегишли бўлиб чиқди. Уни 18 июнь куни ўз уйи олдида, ўша машъум парк яқинидаги Каховка кўчасида қўлга олишди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, «Битцевск маняги» иши 2003 йилда очилган бўлиб, бу вақт ичида бир неча киши гумонланиб ҳибсга олинган, лекин гумондорлар бу ишга алоқасиз бўлиб чиққанди. Шу сабаб, аввалига А.Пичушкинга ҳар эҳтимолга қарши биргина — М.Москалеванинг қотили деган айблов қўйилди. Милиция ходимлари шунчаки қотилни эмас, айнан «Битцевск маняги»ни қўлга туширгани-ликларини ҳали билмасди.

Аммо дастлабки терговдаёқ ҳаммаси ўзгариб кетди.

А.Пичушкин дастлабки терговдаёқ содир этган ўнлаб қотилликларини санаб кетади ва ўзини бутун шаҳарни ваҳимага солган «Битцевск маняги» сифатида таништиради. Турган гапки, уни шу заҳоти психологлар текширувидан ўтказишади. Тиббий ва психологик текширувлар унинг руҳий жиҳатдан соғлом ва муомалага лаёқатли эканлигини тасдиқлайди.

Пичушкин терговда жиноятларини бамайлихотир, аниқ-тиниқ ҳикоя қилиб беради. У айтган жиноят тафсилотлари воқеликка мос тушгачгина, терговчилар А.Пичушкин — «Битцевск маняги»нинг айнан ўзи эканлигига ишонч ҳосил қилишди.

Ваҳшийлашган одам боласи барча махлуқлар ичида энг хавфлисига айланиши маълум. Чунки унда онг бор, ақл бор. Пичушкиндан нима учун бундай ваҳшийликларга қўл ургани сўралганда, у «машҳур» қотил Чикатилога ҳавас қилгани ва қотилликлар бобида ундан ҳам ўзиб кетишга ҳаракат қилганини айтган. Шунингдек, у ўзининг «кумири» Чикатилони ортда қолдира олгани билан фахрланишини ҳам яшириб ўтирмаган. Маълумки, Андрей Чикатило ҳисобида 53 та қотиллик бўлган. Пичушкин терговда 62 нафар одамни ўлдирганини бўйнига олган.

Пичушкин ўз қурбонларини Голливуд фильмларидаги манякларга ўхшаб қийноққа солмаган, уларни тунамаган, мурдани хўрламаган ҳам. У бор-йўғи одам ўлдиришдан лаззатланган, ягона истаги кўпроқ одам ўлдириш бўлган. У қурбонларини танламаган, дуч келганини имкон бўлган заҳоти ўлдираверган.

Хўш, Пичушкин қандай қилиб манякка айланган? Бу саволга ҳеч ким тайинли жавоб беролмайди. Аммо россиялик таниқли сиёсатдон В.Жириновскийнинг бу ҳақдаги фикри ўзига хос. «Битцевск маняги» совет даври таълим-тарбиясининг аччиқ меваси. Собиқ тузумнинг инсон психикасини ногирон қилиб ташлагани ана шундай кўринишларда намоён бўлмоқда», дейди у.

Александр Пичушкин ўз отасининг кимлигини ҳам билмайди. Маънавий қашшоқ онаси унга тарбия беролмаган. Инсонийлик туйғуларидан бегона ўсган Александр тубанликка юз тутган.

Терговда Пичушкин содир қилган жиноятларини батафсил баён қилиб берган.

1992 йилда, ҳали ПТУда ўқиб юрган кезларида Пичушкин биринчи марта қотилликка қўл урган. Ўшанда унинг қурбони яқин дўсти, курсдоши Миша Одейчук бўлган. Ҳали ўн олтига ҳам тўлмаган икки ўспирин дарслардан қочиб Битцевск паркига айлангани чиқишарди. Кўп ўтмай Миша Одейчук дўсти Александр Пичушкиннинг феъл-атворидаги ғалати ўзгаришларни сезиб, ўзини ундан олиб қоча бошлайди. Ана шундай кунларнинг бирида Александр Мишага ғалати гап қиладди: «Биз дўст бўлолмаймиз, чунки сенинг қўлингдан одам ўлдириш келмайди».

Мишани паркга эргаштириб келган Александр дўстининг бўйнига сиртмоқ солиб бўға бошлайди. Буни унинг одатдаги совуқ ҳазилларидан бири деб ўйлаган Миша жиддий қаршилик қилишга ҳам улгурмай қолади. Ўшанда канализация қувуридан топилган жасаднинг шахсини ҳам, қотилни ҳам аниқлаш имкони бўлмайди.

Шу воқеадан кейин Александр Пичушкин 10 йил давомида ҳеч қандай қотиллик содир этмайди. Аммо 2001 йилдан бошлаб у серияли қотилликлар содир этишни бошлайди: ўша йилнинг ўзида 11 нафар инсоннинг умрига зомин бўлади. Унинг усули содда, доимо бир хил сценарий остида амалга оширилар эди.

Кеч тушиши билан А.Пичушкин Битцевск паркида ёки унга яқин ерда саёқ юрганлар билан танишиб, уларни «ўлган итини хотирлаш» баҳонасида паркнинг хилватроқ жойига эргаштириб келади. «Итни хотирлаш» учун олиб келинган вино тугагач, у мастлик таъсирида хушёрликни йўқотган улфатини очиб қўйилган канализация қудуғига ташлаб юборар эди. Фақат бир гал у ўз сценарийсидан ташқарига чиқади—қурбонларидан бири қаршилик кўрсатгани боис ўзи билан олиб юрган мих суғургич билан уриб ўлдиради.

2001 йил кузида у бир муддат танаффус қилади, сабаби, паркдаги қудуқларда мурдалар кўпайиб кетган ва бу ҳуқуқ-тартибот органларини оёққа туришига сабаб бўлган эди.

2002 йилга келиб, у 14 эпизодда жиноят содир этишга улгурган. Пичушкиннинг тан олишича, у парк-дан бошқа жойда ҳам одам ўлдирган. Бир гал у ўзи яшаган уй яқинидаги кўп қаватли уйда қандайдир Вячеслав исмли йигит билан танишиб, винохўрлик қилади. Улфатчилик шу билан тугайдики, Пичушкин Вячеславни ўн олтинчи қават балконидан ташлаб юборади.

Аммо манякни парк ўзига чорлайверади. У паркнинг хилват гўшаларида қотилликлар содир этишда давом этади. У ҳар сафар жиноят изини яширишга, гувоҳ қолдирмасликка муваффақ бўлиб келган. Тўғри, баъзан у «хато»га йўл қўйган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, у Мария исмли пияниста аёлни паркка алдаб олиб келади ва одатига кўра уни канализация қудуғига ташлаб юборади. Аммо аёл тирик қолади ва кудуқдан чиқиб олишга ўзида куч топа олади.

Бошқа сафар у 13 ёшли токсикоман ўспиринни жонига қасд қиладди. Аммо ўспиринни омади бор экан, тирик қолади ва канализация қувури орқали бошқа қудуқдан чиқиб қочиб кетади.

Кунларнинг бирида унга қандайдир ярамас таниши қўлбола тўппонча совға қиладди. Энди у ана шу тўппонча ёрдамида дуч келган жойда туновчи «бомж»ларни «ов»лашга киришади.

Аммо бир гал қўлбола тўппонча панд беради, ундан отилган ўқ ўлжасининг бош суягини тешиб ўтолмайди. Шундан сўнг маняк яна ўзининг эски қуроли — михсуғургичга мурожаат қилади. Кейинчалик қотил овга янги қурол — болға билан чиқишга одатланади. Болға пистолетдан ҳам, михсуғургичдан ҳам қулай бўлиб чиқади. Биринчидан кўп куч талаб этмайди, пистолет каби кучли товуш ҳам чиқармайди...

Буни қарангки, болға ҳам унга бир сафар панд берган экан: 2003 йилги «ов мавсумини» март ойидан бошлаган Пичушкин, паркда сайр қилиб юрган 74 ёшли Поликарповнинг бошига болға билан уриб, сўнг канализация қудуғига ташлаб юборади. Аммо чолнинг куни битмаган экан, нафақат тирик қолган, балки уйига ўз оёғи билан кириб келган.

Ўша йили яна 11 нафар инсон «Битцевск маняги» қурбонига айланган.

2004 йилга келиб, А.Пичушкин нима учундир қотилликка қўл урмаган. «Уни қўрқитиб юборишган», дейди бу ҳақда судда давлат айбловини қувватлаган прокурор.

Аммо 2005 йилга келиб, Пичушкин яна ўз «фаолияти»ни бошлайди. Ўша йили москваликлар орасида Битцевск паркида кекса ёшли кишиларни овловчи қотил-маняк пайдо бўлгани ҳақидаги миш-миш тарқалади. Матбуот тинимсиз равишда «Битцевск маняги» ҳақида тўқиб-бичар, бу билан билиб-билмай қотилни янги-янги жиноятларга ундарди.

Пичушкин бошида қурбонларининг мурдасини яширган бўлса, кейинчалик уларни яширмай, жиноят жойида қолдириб кетадиган бўлди.

2006 йилда у жиноят қидирув ходимлари билан бекинмачоқ ўйнай бошлади. Милициянинг қандай чоралар қўллаши ҳақида газеталар, маҳаллий телевиденияда берилаётган кўрсатувлар орқали маълумот олиб турарди.

Милицияни чув тушира олганидан ҳаволанган Пичушкин энди бир пайтлардагидан «сўрайдигани йўқ», саёқ умр кечирадиганларни эмас, ўзи яхши таниган-билган, масалан, бирга ишлайдиган кишилар ҳаётига ҳам қасд қила бошлайди. (У охирги икки йил ичида шаҳар дўконларидан бирида юк ташувчи бўлиб ишлаган.) Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари унинг изига тушгунга қадар яна олти киши маняк қурбонига айланди.

Юқорида айтганимиздай, унинг сўнгги қурбони М.Москалева бўлган. Шу сафар у эҳтиёткорликни унутади: М.Москалевани паркнинг хилват гўшасига олиб келган маняк аёл уйида уни кутиб ўтирган ўғлига кимнинг олдига бораётгани ҳақида хат қолдирганини айтса-да, ўзини қотилликдан тия олмайди.

Ўша қуннинг эртасигаёқ унинг изига тушишади. Бунга, ўша — Москалева ўғлига қолдирган хатдаги телефон рақами имкон беради. Икки кунлик кузатувлардан кейин А.Пичушкинни қўлга олишади.

Суд жараёнига жабрланувчи сифатида жалб қилинганларнинг аксарияти А.Пичушкинни танишини, лекин ҳеч қачон ундан шубҳаланишмаганини баён қилишган.

Судда давлат айбловчиси сифатида иштирок этган Москва шаҳар прокурори Юрий Семиннинг айблов нутқида А.Пичушкин 52 эпизодда жиноят (49 қотиллик ва 3 суиқасд) содир этганликда айбланган. Аммо суд уни 48 қотиллик ва 3 суиқасдда айбдор деб топди ва шу билан «Битцевск маняги» умрининг охирги кунларига қадар панжара ортида қолишга маҳкум этилди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида ШАВКАТ тайёрлади.

P.S. Москва шаҳар прокурори Юрий Семин журналистларга берган интервьюсида «Битцевск маняги»ни бартараф этишда лоқайдликка йўл қўйганлик айблови билан Москва милицияси мутасаддиларига нисбатан иш қўзғатилишини маълум қилган.

Huquq yuridik gazeta
Ta'sischi: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati: Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 56. 26710 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: A.MUSTAFOQULOV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 20.30 1 2 3 4 5 6 7 8